



Ishonch

2016-yil
9-yanvar,
shanba,

№ 3
(3664)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Ёш оилаларга янги уйлар

Пойтахтимизнинг Миробод туманида 32 хонадондан иборат 2 кўп қаватли уй бунёд этилди. Ушбу замонавий уйлар илм-фан, маданият, спорт соҳаларида эришган улкан ютуқлари билан мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган, Ўзбекистонимиз шарафини жаҳон миқёсида улуғлаётган иқтидорли ёшларга берилди.



Янги уйларни фойдаланишга топшириш маросимида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, отахон ва онахонлар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришга хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жамиятимиз ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган, изланувчан, ташаббускор ёш оилалар учун янги уй-жойлар барпо этилиб, фойдаланишга топширилмоқда. 2015 йилда пойтахтимизнинг Сергели, Учтепа ва Бектемир туманларида намунавий лойиҳа асосида бешта «Камолот» уйи бунёд этилиб, 160 ёш оилага топширилди.

Янги йилнинг илк кунларида дэюдо бўйича етти қарра Ўзбекистон чемпиони, қатор халқаро турнирлар ғолиби Ҳамид Отажонов Миробод тумани «Чинор» маҳалласида барпо этилган янги уйлардан бирининг соҳибига айланди. — Халқаро мусобақаларда хорижлик тенгдошларимизнинг мамлакатимизда биз, ёшларга яратилаётган шарт-шароитларга ҳавас қилганига кўп гувоҳ бўлганман, — дейди Ҳ.Отажонов. — Ёшларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, спорт билан шугулланиши, истеъдод ва салоҳиятини намойён этиши йўлида амалга оширилаётган бундай гамхўрлик учун Президентимиздан миннатдорим.

**Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири.**

Айло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат

Эзгуликнинг нурли излари

Шофирконлик Розия буви Шаронова сермазмун умрининг асосий қисмини одамларга наф келтириш, гамхўрлик кўрсатиш, боғ-роғлар бунёд этиш, қишлоқ ҳўжалиги тараққиётига ҳисса қўшишга бағишлади.

«Ёшлик ва тинчлик учун шукрона қилинг»

дейди шофирконлик 83 ёшли ҳожи она Розия Шаронова

— Муқаддас китобимизда «Яхшиликка шошилишлар», деган даъват битилган. Одамларнинг яхшиси элга кўпроқ нафи тегадигандир, — дейди Розия буви. — Негаки, яхшилик яхшиликка йўл очди. Бу эса, ўз навбатида, одамларни бир-бирига дўстлаштиради, жамиятни кудратли қилади.

Кексаларни эъозлаш йили онахон ҳаётида ўзига хос из қолдирди. Узоқ йиллар мактаб директори, қишлоқ фуқаролар йиғини, туман хотин-қизлар кенгаши раиси ва агросаноат мажмуи ходими бўлиб касба уюшмаси туман кенгаши раиси бўлиб ишлаган Розия буви Шаронова таваллудининг 1000 ойлиги (83 йиллиги) муносабати билан катта маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Онахоннинг сафдош ва шогирдлари Мақсуда Ражабова, Сангча Бахромова, Бибиражаб Пирназарова, Саломат Файзиёва, Розия Шоева унинг ибратли ҳаёт йўли ёшлар учун тажриба мактаби эканини алоҳида таъкидлашди. Туман маданият

уйи қошидаги «Бинафша» ашула ва рақс ансамбли иштирокчилари томонидан Ватан, озодлик, аёл ва оналарни мадҳ этувчи қўшиқлар даврага ўзгача файз киритди.

ЯХШИЛИКДАН КУЧ ОЛАМАН...

Юрт юкига елка тутиб яшаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Институти тугатиб келган йиллим Розия опанинг олиханоб фазилатлари ҳақида эшитиб, беихтиёр бу ишчан, ташаббускор аёлга нисбатан қалбимда ҳавас уйғонди. Унга ўхшаб эл ишига камарбаста бўлиб яшашни орау қилиб, опага шогирд тушганман. У кишидан одамлар билан муомала қилиш маданияти, жамоани эзгу ишлар тўғрисида бирлаштириш, шахсий намуна кўрсатиш каби хислатларни ўргандим. 40 йиллик меҳнат фаолиятим даврида уларни ҳаётга татбиқ этиб, элда эътибор ва эъзоз топдим. Ҳозир пенсияда бўлсам-да маънавият ва маърифатга тўла суҳбатидан баҳра олиш учун устозимни тез-тез йўқлаб тураман.

(2-3).

14 январ — Ватан ҳимоячилари куни

Марҳум Содиқжон Усмоновни ҳамкасблари, дўстлари, яқинлари ҳурмат билан эсга олади.

Фидойи ўғлонлар хотираси барҳаёт

Ватанимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталиги йўлида жонини фидо қилган мард ўғлон пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги маҳаллардан бирида истикомат қиларди. Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан у яшаган хонадонга касба уюшмаси фаоллари кириб келганда, фарзандидан бевақт жудо бўлган ота-онанинг кўнгли кўтарилди.

Президентимизнинг 2015 йил 9 декабрдаги Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги фармойишига мувофиқ, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ушбу байрамни кенг нишонлаш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ҳам Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган «Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!» шiori остида турли маънавий-маърифий тадбирлар, ижтимоий акциялар ташкил этилмоқда. «Касаба уюшмалари — ҳарбийларга» акцияси доирасида хизмат бурчини адо этиш чоғида ҳалок бўлган 270 ҳарбий хизматчининг оиласига моддий ёрдам кўрсатилади.

Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан хизмат вази-фасини бажаришда ҳалок бўлган бир қатор ҳарбий хизматчилар оиласидан хабар олиниб, мард ўғлонларни тарбиялаган ота-оналарга миннатдорлик билдирилди.

— Ўғлим Баҳромжон ички ишлар тизимида хизмат қилар эди, — дейди Юнусобод туманида истикомат қилувчи Улуғбек Эргашев. — Болалигидан ҳарбий бўлишни орау қиларди. Юртимизда ёшлар учун яратилган шароит ва имкониятлар самарасида ўғлим ўз ҳаёт йўлини Ватан ҳимояси, эл-юрт тинчлиги билан уйғун кўрди. Ўғлим хотираси ҳамкасблари ва дўстларининг ёдида эканидан қалбим қувонгча тўлди.

Акция доирасида ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига моддий ёрдам, фарзандларига байрам совғалари топширилди.

**Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири**

Аскарлар ҳузурида

Мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни умумхалқ байрами сифатида нишонланади. Анъанага кўра, бу йил ҳам ҳарбийлар ҳузурида «Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!» шiori остида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилаётди.

Жумладан, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари таҳририяти ижодий жамоаси ҳамда Сирдарё вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси

ҳамкорлигида Н-ҳарбий қисмда ижодий учрашув ўтказилди.

Ҳарбий қисмга кириб борар эканмиз, атрофдаги манзарадан хаёлимизда санаторийга келиб қолдикимкин, деган фикр ўтди. Лекин ўз

постида хушёр турган аскар йигитларга кўзимиз тушиши билан адашмаганимизни пайқадик. Атроф озода ва осуда. Бизни кутиб олган қисм командири, майор Умид Искандаровга «Курортнинг ўзи-ку», дейимиз беихтиёр. «Ҳа, курорт, курорт», дея фикримизга қўшилади у. Қўрганларимиз тасаввуримизни бойитади: аскарларнинг хизматни ўташи ва яшаши учун барча шароит яратилган, ўқув хоналари зарур кўргазмали қўроллар, замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган, спорт майдончаси, маънавий-маърифий тайёргарлик хонаси муддатли ҳарбий хизматчиларни жисмон ва маънан барқамол этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

(2).

Долзарб мавзу

2015 йил 24 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 370-сонли қарорга асосан мамлакатимизда 2016 йилнинг 1 мартидан бошлаб янги таҳрирдаги «Йўл ҳаракати қоидалари» амалга киритилади.

Мухбиримиз янги таҳрирдаги «Йўл ҳаракати қоидалари» тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси бошлиғи Холматжон САЙДАЛИЕВга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Холматжон ака, қоидаларни янгилашдан кўзланган асосий мақсад нимада? — Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга доимий равишда алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ушбу

Бу қоида ҳаммага бирдек фойда

2016 йил 1 мартдан мамлакатимизда янги таҳрирдаги «Йўл ҳаракати қоидалари» кучга киради

йўналишда амалга оширилаётган ишлар йўл-транспорт ҳодисаларининг йилдан-йилга камайиб боришига муносиб улуш қўшапти. Хусусан, мустақиллик йилларида соҳага тааллуқли қонунлар, ҳукумат қарорларининг давр талабидан келиб чиққан ҳолда доимий янгиланиб, қўшимчалар билан тўлдириб борилиши муаммо ечимига хизмат қилмоқда.

Бунга мисол қилиб 1999 йилда «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун қабул қилинганлигини, 2013 йилда у қайта ишланиб, маҳаллий шарт-шароитларнинг ҳамда ҳаракат иштирокчиларининг тақлиф ва истакларини



инобатга олган ҳолда қайта қабул қилинганини кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, Маъмурий жа-вобгарлик тўғрисидаги кодекс-

нинг йўл ҳаракати соҳасидаги бандларига 12 мартада қўшимча ва ўзгаришлар киритилганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим.

(3).



Кичкинтойларга тўхфа

>> 2



Балиқчилик — анъаналар давомийлигидир

>> 3



Тарбияда энаганинг ўрни

>> 4



Аскарлар ҳузурда

№(1).

Адл қоматли, ҳар бир хатти-ҳаракати қиёмига келган, нигоҳи теран аскар йигитлар билан мулоқот гоят қизиқарли кечди.

Унда сўз олган вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Қ.Эшнароров ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари З.Рихсиев ҳарбий хизматчиларни яқинлашиб келаётган 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни билан кутлади. Ҳозирда Куроли Кучларимиз сафида хизмат қилиш — ҳар бир йигит учун шон-шараф иши бўлиб, мард ва жасур ўғлонлар сарҳадларимизни кўриқлаб тургани учун ҳам мамлакатимиз оқибатига экани, ҳар бир фуқаро ҳақли равишда қудратли ва шонли армиямиз билан гуруҳланиши ҳақида ҳаяжонга тўла фикрлар билдирилди.

Бугун йигитларни армияга кузатиш ҳам, аскарларни кутиб олиш ҳам ўзига хос тўй, байрамга айланган, энг муҳими, ҳозирда дунёда юз бераётган ҳодисалар, тахликали жараёнда юртимиздаги тинчлик, фаровонликни асрашда ҳарбийларнинг ўрни беқиёс экани эътироф этилди.

Учрашув давомида ҳар сатрида ватанга муҳаббат акс этиб турган шеърлар ҳарбийларда катта таассурот қолдирди.

Шундан сўнг тадбир иштирокчиларига вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда таҳририятнинг эсдалик совғалари топширилди.

Ҳарбий хизмат ҳақидаги тасаввурим, рост, ҳозирги даражада эмасди, — дейди оддий аскар Илҳом Мирзамуродов, — Аскарлик мен учун тобла-ниш мактаби бўлди. Хизматдошлар билан ака-укадек бўлиб кетдик. Мана, бир ойки, байрам тадбирлари, учрашув ва суҳбатларда қатнашяпмиз. Аскар бўлиб ватан қорига яраётганимдан бахтиёрман.

— Шу юрт бизни ўқитди, воёга етказди, — дейди лейтенант Яхё Фозилов — Бундан кейинги ҳаётимиз ҳам шу Ватан билан боғлиқ. Бинобарин, юртга садоқат билан хизмат қилиб ўз бурчимизни адо этдик, деб фахрийчилик ҳисси билан яшашимиз мумкин.

— Йигитларимиздан фахрланаман, — дейди майор Умид Искандаров, — Яқинда илғор-ҳорижий давлат армияси билан жанговар тайёргарлик тажрибалари алмашиб ўқувларида ҳам юқори даражада малака ҳосил қилаётганликларини намойиш этишди. Ҳарбийларимиз мардлиги, жасорати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланаётгани ҳам беҳиз эмас. Яқинда сержант Бекзод Давлатов «Содиқ хизматлари учун» медали билан мукофотланди. Бу эътибор барча сафдошларимизнинг ютуғи деб биламан.

Учрашувда сўзга чиққан сержант Сирождиддин Бердиев бундай тадбирлар янада куч-ғайрат бахш этишини билдирди.

Ватан ҳимоячиларининг ўзига бўлган ишончи, бурчига садоқатидан бизнинг-да кўксимиз ғурурга тўлди. Кўнглимиз оқибатда топди.

Пойтахт манзиллини кўзлаб йўлга тушур эканмиз, Гулистон шаҳрида амалга оширилаётган улкан қурилиш, бунёдкорлик ишларига ҳавас билан қараймиз. Шаҳарнинг ўзгариб бораётган қиёфаси янги таширларга рағбат уйғотади. Ҳа, бугун юртимизнинг қай вилоятида бўлмайдик, улкан бунёдкорликка ғувохмиз. Эришаётган ютуқларимиз тинчлик шарофатидан. Бундай обод ва оқибатга дийрда ёниб ижод қилгинг, яшагинг келади.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Навий вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан «Қасаба уюшмалари — ҳарбийларга» акцияси доирасида «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» мавзусида «Маънавият соати» ташкил этилди.

Тадбирда маънавий-маърифий тарғибот гуруҳи вакиллари Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини сақлаш, шаъну шарафини юксалтириш ҳар бир юрт фарзандининг муқаддас бурчи эканлигини таъкидлашди. Куроли Кучларимизни замонавий талаблар асосида ривожлантириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оиласи ҳақида ғамхўрлик қилиш, моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла-тўқис таъминлаш истиқлол йилларида давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келаётгани, миллий армия сафида хизмат қилиш чинакам мардлик ва матонат эканлиги эътироф этиб ўтилди.

Ҳарбий ватанпарварлик ойлиги доирасидаги бу каби маданий-маърифий тадбирлар вилоятдаги ҳарбий қисмлар, ташкилот ва корхоналар, таълим муассасалари ва маҳаллаларда ушқоқлик билан ўтказилмоқда.

Норимхол НУРМОНОВА,
вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

Сарҳисоб

Шериклар билан яқин ҳамкорлик

манфаатларни самарали ҳимоялашда муҳим омил бўлмоқда

Кейинги йилларда қасаба уюшмалари тизимидаги ислохотлар фаолиятда тўб бурилиш ясади. Айниқса, ижтимоий шериклар билан ҳамкорликни замон талабидан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйиш меҳнаткашлар манфаатини самарали ҳимоялашнинг асосий талабларидан бирига айланди. Фарғона вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири Манзураҳон АКРОМОВА билан суҳбатимиз айнан шу мавзуда бўлди.

— Вилоят ҳокимлиги, қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ўртасида 2015 – 2017 йилларга мўлжаллаб имзоланган минтақавий келишувнинг янги лойиҳаси олдингиларидан нимаси билан фарқ қилади? — Авваламбор, ишчилар меҳнатини янада самарали муҳофазалаш мақсадида худудий келишув, амалдаги жамоа шартномаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Ушбу ҳужжатлар орқали қасаба уюшмасига аъзо корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 600 мингдан зиёд ходимнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилиниши кўзда тутилган. Жамоа шартномалари бандларида муҳим вазифалар сифатида ишчиларнинг меҳнат ва дам олиш шароитини янада яхшилаш, ойлик иш ҳақини ўз вақтида тўлашни назорат қилиш сингари талаблар ўз ифодасини топган. Унга қўра, ҳар бир аъзонинг манфаатдорлик даражаси йил сайин ортиб бораверади.

— Кескаларни эъзоллаш йилида амалга оширилган хайрли ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз. — Айтиш жоизки, Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида кескаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, коммунал хизматлар учун тўловларни қоплаб бериш, уларнинг уй-жойини таъмирлаб, яшаш шароитини яхшилаш каби кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. 2831 та корхонада 4513 нафар кеска ёшадигиларга моддий ёрдам кўрсатилди. Пенсия ёшига етган ходимларга бир марталик пулли мукофотлар берилиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Йил моҳиятидан келиб чиқиб, кўплаб фахрийларимиз сихаттоҳларда белул дам олишди. Бундан ташқари, вилоятдаги 33 та оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддатли фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун корхона ва ташкилотлар ҳисобидан фойзсиз соуда ажратилди. Тармоқ корхоналарига алоқадор эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган 918 та оила фарзандларига ўқув қуроли ва дарсликлар харид қилишига қўмаклашилди. Олий ўқув юртиларида тахсил олаётган 78 нафар талабага шартнома пулларининг бир қисми тўлаб берилди. Нодавлат секторидagi 45 та корхона ва ташкилотда меҳ-

нат қилаётган 69 нафар болали аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтасини 35 соатга қисқартиришга эришилди. Олий ва ўрта махсус, касб-хуна таълими муассасалари битирувчиларини шогирдликка олган устоз ходимлар рағбатлантириб борилди.

— Дарвоқе, коллеж битирувчилари, ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? — Қасаба уюшма тизимида янги иш ўринлари яратиш ва коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. 366 та корхона ва ташкилотда 1713 та янги иш ўрни ҳаққонийлиги ўрганилди. 423 та корхона ва ташкилотда яратилган 935 нафар уч томонлама шартнома тузган битирувчиларнинг иш жойида қўнимлиги мониторинг қилинди.

Вилоятимиз бўйича ўтган йилда рўйхатга олинган ишсиз фуқароларнинг 30177 нафари ишга жойлаштирилди, шундан 14221 нафарини аёллар ташкил этади. Шунингдек, Олий ва ўрта махсус касб-хуна таълими муассасалари битирувчилари, Куроли Кучлар сафидан мuddатли хизматни ўтаб қайтганлар ва аҳолининг ижтимоий заиф қатламларининг бошқа тоифаларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Суҳбатдош:
Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Эътироф

Саломга яраша алик

Давлатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида «Муборакнефтгаз» масъулияти чекланган жамиятининг илгор ишчиларидан бири Навдан Зоиров Президентимиз фармонига қўра «Шурат» медали билан тақдирланди.

— Бу юксак мукофот нафақат менга, балки аҳил ва меҳнатсевар жамоамизга билдирилган ишончдир, — дейди Н.Зоиров дил сузларини баён қилар экан. — Жуда ҳаяжондман. Чунки, шундай гигант корхонада ишлашаман. Яқинда намунали уйга қўйиб ўтдик. Шароитларига гап йўқ. Ушбу ғамхўрлик ишмига унум, қучимизга куч, шижоатимизга ҳижоат қўйиши аниқ.

Утган йилда «Муборакнефтгаз» МЧК маъмурияти ва қасаба уюшма кўмитасининг ижтимоий шерикликдаги фаолияти ҳам эътироф этилди. МЧК директори Шермат Шамсиев «Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи гуруҳи» томонидан ёғи мавсумда болаларни дам олдириш ва соғломлаштиришга қўшган ҳиссаси учун тақдирланган бўлса, қасаба уюшма кўмитаси раиси Шароф Раҳमतова Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг «Ehtirog nishoni» топширилди. Яқинда Қашқадарё вилоят ҳокимлиги томонидан жамият директорининг капитал қурилиш масалалари бўйича ўринбосари Умрзоқ Товбаев вилоятда амалга оширилган қурилиш-бунёдкорлик ишлари учун «Йилнинг энг яхши қурувчиси» деб топилди.

Бу эътироф ва амалга оширилаётган ишлар жамиятининг 2015 йил иқтисодий ва молиявий яқунларига бағишланган йилги ишлари ҳам таъкидлаб ўтилди. Йилнинг сўнгида илгор ва фаол ходимларга қимматбаҳо совғалар ҳамда пул мукофотлари топширилди. Шунингдек, «Муборакнефтгаз» МЧКнинг 2016 йилдаги муҳим режа ва вазифалари белгилаб олинди.

Ақмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Байрам шодибаналари

Кичикинтойларга туҳфа

Нукус шаҳридаги кинотеатр биноси Кўнрақ театри тасарруфига берилгач, бу ерда 2 млрд. сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилди. Театр биносининг фойдаланишига топширилиши муносабати билан ташкил этилган «Янги йил совғаси» номли концерт дастури қурувчилар ва театр жамоаси фарзандлари учун ҳақиқий байрам туҳфаси бўлди.

— Бегубор қалб эгалари бўлмиш болажонларга қувонч улашишдан фахрийлик иш бўлмаска керак, — дейди театр раҳбари П.Айтмуратов. — Спектакл жараёнида уларнинг саҳна асарини завқ билан томоша қилишини кўриб, беихтиёр шодланиб кетасиз.

Театр ижодий жамоаси Соғлом она ва бола йилида «Мен ўзимга дўст топдим», «Гулда булбул сайради», «Уғирликнинг тағи хўрлик», «Умирбек Чимбой бозорида» каби кўплаб янги асарларни сахналаштириб, болажонлар эътиборига ҳавола этишни режалаштирмоқда.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири



Алишер Навоий номидаги Наманган вилояти мусикали драма ва комедия театри киши таътил кунларида болаларни саргузашт ва мўъжизаларга бой янги томошалар билан хушнуд этмоқда.

Таътил саргузаштларга бой ўтмоқда

Ёш томошабинлар эътиборига ҳавола этилаётган «Янги йил саргузаштлари» томошаси Муножат Мамадалиева асари асосида сахналаштирилган. Ундаги ажабтовур воқеалар ва эртак қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатлари болалар қалбида эзгулик, меҳр-муҳаббат туйғуларини юксалтиришга хизмат қилади.

Суратларда: Алишер Навоий номидаги Наманган вилояти мусикали драма ва комедия театрида тақдим этилаётган «Янги йил саргузаштлари» томошасида.

ЎЗА фотомухбири
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган суратлар

Фаолият

Эътибор ва ғамхўрлик

Урганч туман тиббиёт бирлашмаси ва унинг таркибига кирувчи олтига нодавлат ташкилотда 1270 нафар ходим фаолият юритади. Қасаба уюшма кўмитаси маъмурият билан ҳамкорликда ижтимоий-иқтисодий ҳимояга катта эътибор қаратиб келмоқда.

Одатда шифокорлар саёхатга чиқшининг инсон саломатлигига ижобий таъсири ҳақида кўп гапирилади. Аммо ўзлари-чи? Шунини инобатга олиб, тизимда самарали фаолият кўрсатган кеска ходимларнинг қадимий Бухоро шаҳрига саёхатини ташкил қилдик. Сафар таассуротлари сабаб жамоа аъзоларида қадимий ва навқирон шаҳарларимиз, боболаримиз қолдирган бебаҳо мерос, истиқлол йилларида бунёд этилган иншоотлар билан танишиш истаги кучайди. Шундан сўнг Хива ва Самарқанд шаҳарларига ҳам саёхатлар уюштирилди. Бир қўлида бешик, бир қўлида дунёни теб-

ратаётган оналаримизни ҳар қанча эъзоласак кам. Соҳада 30-40 йиллаб фаолият кўрсатган ходимларнинг фидойилигига, матонатига таҳсин айтмай илож йўқ. Нафақадagi меҳнат фахрийлари, шунингдек, ўз билим ва тажрибаси билан ёш ходимларга устозлик қилиб келаётган 32 нафар кеска аёлларга қасаба уюшма маблағи ҳисобидан эсдалик совғалар топширилди.

Боқувчисини йўқотган, камхарж ходимларнинг олий ўқув юртиларида тахсил олаётган фарзандлари шартнома пулларининг бир қисми қоплаб берилди. Шифокор маънавияти, дунёқарашининг

кенглиги у кўрсатаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис «Маънавият соатлари», ходимлар ҳуқуқий саводхонлигини оширишга доир маърузалар мунтазам равишда ташкил қилинмоқда. Барча бўлимлар ва ҚВПларда ташкил этилган маънавият ва дам олиш хоналари айнан шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Ходимлар саломатлигини тиклаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Утган йил давомида 18 нафар ходимга санаторийга йўлланма ажратилиб, шундан 8 таси меҳнат фахрийларига имтиёзли тарзда берилди. Аъзолар фарзандларидан 10 нафари вилоятдан ташқаридаги оромгоҳларда, 21 нафари «Шодлик» оромгоҳида соғломлаштирилди.

Жорий йилнинг «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши шифокорлар зиммасидаги масъулиятни янада ошириб юборди. Шунга монанд ҳаракат қилиб, бундан буён ҳам эл соғлимига, юрт равнақига муносиб ҳисса қўйиш ниятидамиз.

Манзура ЖУМАНОВА,
Урганч туман тиббиёт бирлашмаси қасаба уюшма кўмитаси раиси

«Ёшлик ва тинчлик учун шўқрона қилинг»

дейди шофирконлик 83 ёшли хожи она Розия Шаропова

№(1).

Назаримда, Розия опа тоифасидаги фидойи аёллар билан суҳбатлашиб, бўйига бўйлашгин, яхшиларга яқинлашгин, савобли ишлар томон шўқорлаб келаверади. Шу боис у киши ҳақида Шофирконнинг ҳар бир етакчи, замонавий аёли оғзидан бол томиб сўзлайди. Унинг шогирди Мавжуда Ражабованинг сўзлари бу ҳақиқатни тасдиқлайди: — Розия опамиз кўзингга қараб кўнглингизни топади. Катта ишларга ҳам ишонч билан киришадилар. Биз шогирдларига ҳам шунини юқтирган. Шофиркон аёлларининг бошини қовуштириб, эзгу ишлар

сари бошлашда опанинг алоҳида ўрни бор. Розия буви эса шогирдларининг камолидан, хайрли ишларидан куч олиб, қувониб яшайди.

ОТЛАК ИБРАТИ — ҲАЁТ ҲИҚМАТИ

Розия опа отаси билан бўлиб ўтган бу воқеани жуда кўп эслаб, ундаги ҳиқмат мағзини биз, шогирдлари қалбига ҳам сингдирган.

...Уша кунни ерга урса осмонга сапчидаган қиз сўлгин кайфиятда уйга қайтди. Отаси унинг рўҳиятидаги ўзгаришни дарҳол фаҳмлади. Қизига бир чойнак чой дамлаб келишни буюриб, ўзи меҳмонхонага йўл олди. Розия чойни олиб кирганда отаси китоб ўқиб ўтирарди. Пиёлага чой қўйиб узатган қизига қаршидан жой кўрсатди.

— Агар ишинг юришмаётган бўлса, янада кўпроқ ҳаракат қил, Борди-ю шунда ҳам юришмасан, ҳаракатини икки-уч ҳисса осмиргин, барибир ишинг олдинга юришмасан сен учун биттагина йўл қолади, у ҳам бўлса тинимсиз ҳаракатдир, — отаси китобдан бош кўтариб, чойдан бир хўплади-да, гапида давом этди. — Бу донолар сўзи — ҳаёт ҳиқмати. Узингга ишон, қаддингни баланд тут, кайфиятингни туширма. Қачонки, мақсадинг йўлида машаққат чекиб, ниятига эришсанггина, эл назарига тушасан,

ҳамиша иззат-ҳурматда бўласан. Одам шундай яшамоғи керак.

Отасининг бу ўғитлари унинг ҳаёт йўлини машъала сингари ҳали-ҳануз ёритиб туради. Розия опа бу ҳиқматнинг ҳаётлигига қайта-қайта иқроқ бўлди. Уруш қўрган, қатор-қатор орден-медаллар кўксини тўлдирган Шароф бобо Ҳамроев нафақат фарзандлари, эл-юртининг фидойиси, маслаҳатқўйи эди. Шу хислати боис у ҳамиша элига азиз бўлди. Розия ана шу маърифатли, зиёли хонадоннинг тўққизинчи фарзанди. Чақалокнинг қадими кутлуг келиб мироб бўлиб ишлаётган отаси ҳўжалик раислигига, сал фураст ўтмай вилоятда масъул лавозимга кўтарилди. Қаерда, қай лавозимда ишласан, у ҳамиша халқни ўйлади, элга бўлсин деб унинг оловидан кириб, қулидан чиқди. Турмуш ўртоғи билан оқил ва доно фарзандлар тарбиялаб, элга қўшди. Сўғги меҳнатда қотган ота ҳаётининг барча мураккабликларига чидамали бўлиш кўникмасини фарзандлари қатори Розияда ҳам шакллантирди.

Шароф бобо ҳақида гап кетганда, уни қўрган-билган борки, ҳақиқий юртпарвар сифатида тилга олади. Айниқса, унинг оғир дамларда халққа мадад бўлгани, турли қийинчиликларни енгилда одамларнинг бошини қовуштириб, очарчилик ва йўқчилик-

Бу қоида ҳаммага бирдек фойда

№(1).

Сўнгги йилларда амалда бўлган «Йўл ҳаракати қоидалари»га маҳаллий шарт-шароитлар, жорий этилаётган янгиликлардан келиб чиққан ҳолда бир неча бор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Янги қабул қилинган қоидалар лойиҳаси ҳам барча мутасадди ва зирлик, идора ва ташкилотларнинг тажрибали масъул мутахассислари томонидан тайёрланиб, ўрганиб чиқилган.

— **«Йўл ҳаракати қоидалари»га киритилган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.**

— Янги тахрирдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»га 15 та қўшимча киритилди. Бундан ташқари, бир қанча ўзгаришлар амалга оширилди. Айрим атамалар ҳамда тушунчаларга аниқликлар киритилди. Шулардан айримларига тўхталиб ўтамиз.

Аҳамият берсангиз, аввалги ва қабул қилинган «Йўл ҳаракати қоидалари»да «автопоезд» деган сўз кўп эслатиб ўтилган ва унинг таниқлик белгиси ҳам бор. Шу сабабли Йўл ҳаракати қоидалари қисмига (1 боб) «автопоезд» атамаси киритилиб, унинг қандай тушунчани аниқлаштириш берилди. Унга тортувчи автомобил ва ярим тиркама ёки автомобил прицеп (лар)нинг қўшилган таркиби кириши белгилаб қўйилди.

Биласиз, ҳозир амалда бўлган «Йўл ҳаракати қоидалари»да «мотоцикл» атамасига «Кажавали ёки кажавасиз икки гилдиракли механик транспорт воситаси. Юқнардан ҳолатдаги вази 400 килограмдан ошмайдиган уч гилдиракли механик транспорт воситалари ҳам мотоциклларга тенглаштирилади» деб изоҳ берилган. Бу изоҳ буғунги кун талабига тўлиқ жавоб бера олмай қолди. Чунки, техника тараққиёти натижасида автомобил йўлларимизда «мотоцикл» атамаси билан айтимайдиган, аммо айнан шу туркумга мансуб бўлган икки, уч ва тўрт гилдиракли механик воситалар, яъни замонавий квадроцикллар, скутер ва электроскутерлар кўпайиб бормоқда. Уз-ўзидан равшанки, улар томонидан ҳам «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг бузилиш ҳолатлари учраб турибди.

Сўзсиз бундай ҳолатларни тартибга келтириш учун қоидага тегишли ўзгариш киритиш зарурати ақвол кўриниб қолди.

Шу сабабли «мотоцикл» тушунчаси кенгайтирилиб, двигател иш ҳажми 50 сантиметр дан юқори, тезлиги 50 километр соатдан ортиқ скутер, электроскутер ва квадроцикллар шу атамга киритилди. Эндиликда санаб ўтилган транспорт воситалари мотоцикл сифатида рўйхатга олинди ва уларга давлат рақам белгилари берилди. Бундай турдаги транспорт воситасини бошқарадиган ҳайдовчилар «А» тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлиши шарт.

— **Демак, ҳозирги кунга бундай транспорт воситаларини давлат рақам белгисиз ва ҳайдовчилик гувоҳномасиз бошқариш мумкин бўлган, шундайми?**

— Ҳа, эндиликда бу мумкин эмас. Агар бундай қоидабузарлик қайд этилган бўлса, ҳайдовчиларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига асосан чора кўрилади. Яъни фойдаланиш белгиланган тартибда ман этилган транспорт воситалари бошқарилса, кодекснинг 125-моддасининг 5-қисмига асосан жорий этилган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробари миқдорида жарима солинади. Агар ҳайдовчилик гувоҳномасиз транспорт воситаси бошқарилса, 135-модданинг 2-

қисмига асосан жорий этилган энг кам ойлик иш ҳақининг уч баробари миқдорида жарима жазоси қўланади.

Юқорида айтиб ўтганимдек, аввалги «Йўл ҳаракати қоидалари»да баъзи бир иборалар ўзининг тўлиқ ифодасини топмаган. Жумладан, «йўл марзаси», яъни йўл ёқаси иборасини келтириш мумкин. Бу ибора қоидаларнинг атамалар бобида кўрсатилмаган. Шу сабабли уни ҳар ким ўзича тушунар эди. Янги қоидада бу камчилик бартараф этилди. «Йўл марзаси» ҳаракатланиш бўлиги билан бир сатҳда жойлашган бўлиб, ун-



дан 1.1 чизиги билан ажратилган ёки бошқа қоплама ётқизилган, транспорт ҳаракати, тўхташи, тўхтаб туриши (мазкур қоидалар талабларига мувофиқ) учун мўлжалланган йўл элементи деб белгилаб қўйилди.

Маълумки, транспорт воситаларида кетаётган йўловчилар, айниқса, болалар хавфсизлигини таъминлаш ниятида масъулиятли таъминлаш ниятида «Йўл ҳаракати қоидалари»га «Болалар гуруҳини ташкилий ташвиш» атамаси киритилди. Унга кўра 8 ва ундан ортиқ болаларни автобусда ташвиш (йўналиши транспорт воситалари бундан мустасно) болаларни ташкилий ташвиш эканлиги белгилаб берилди. Уйлаймики, ушбу тушунчани киритилиши болаларни ташвиш ишларини ташкиллаштириётган мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, коллежлар, меҳрибонлик уйлари раҳбарлари олдида, шу жумладан, бизнинг хизмат вакиллари зиммасига катта масъулият юқлайди.

«Йўл ҳаракати қоидалари»ни эътибор билан ўқиганлар билиши эдики, унда «ҳақиқий вази» сўзи кўп учрайди. Бу истилоҳ асосан транспорт оид мезъорлар ва давлат стандартларидан олинган. Шу боис қоидаларга транспорт воситасини ҳақиқий вазинини (факт бўйича) белгилаш учун «ҳақиқий вази» атамаси киритилди. Демак, «ҳақиқий вази» деганда биз транспорт воситасининг юки, ҳайдовчиси ва йўловчиси билан биргаликда ҳақиқий вазинини тушунамиз. Бу йўлнинг оғирлик кўтариш имкониятига қараб транспорт воситаларининг йўналишини белгилашда муҳимдир.

Соҳага ахборот коммуникацион технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор билан қараб келинаёти. Маълумки, кейинги 5 йилликда ДИХХХ йўл паратли хизмати фаолиятида йўл ҳаракати до-

ирасидаги ҳуқуқбузарликларни автотик тарзда аниқлаш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Шу сабабли «фото ва видеофиксация» ибораси йўл ҳаракати қоидасида ўз аксини топиб, маъмурий ҳужжатларда ҳам қайд этилаёттир.

Бундан ташқари, ҳайдовчиларни огоҳлантириш учун «Фото ва видеофиксация» ахборот-ишора белгиси ҳам жорий этилди. Ушбу янгиликнинг долзарблиги Тошкент шаҳрида йўл ҳаракати хавфсизлигини компьютерлаштирилган бошқарув тизими ишга тушиши билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Ҳозир бу янгилик он-лайн ти-

да йўл-транспорт ҳодисасига учраб жароҳат олганлар ҳақида кундалик маълумотларимизда қайд этилган. Шунинг эътиборига олган ҳолда янги қоидаларда тунги вақтларда ҳайдовчиларга нур қайтарувчи махсус нимчаларни кийиб олиш мажбурияти юқлатилди. Эндиликда ҳар бир транспорт воситасида тиббиёт қўтичаси, ўт ўчиргич, мажбурий тўхтаганилики билдирувчи белги билан биргаликда нур қайтарувчи махсус нимчалар ҳам бўлиши шарт. Бу ҳаракатларни хавфсизлигини таъминлашда жуда катта аҳамиятга эга.

Сўнгги вақтларда кўпчиликни

ситалари сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Транспортлар сонининг ортishi эса транспортларга сабаб бўлаётти. Маълумки, белгиланган тезлик талаблари бузилса, у оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқариши мумкин. Агар маълум ҳудудларда таҳлилларга асосланган ҳолда тезлик оширилса, транспортларнинг ёнилги сарфи, йўлда юришга кетадиган вақт тежаланиши, атраф-муҳит ифлосланишининг олди олиниши мумкин. Масаланинг шу томонлари ҳамда тегишли мутахассисларнинг мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда турар жой даҳаларида транспорт ҳаракатини тартибга солиб, кўп қаватли уйлар орасида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учун юқори тезлик соатига 30 километр қилиб белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, худди шу банд билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига ДИХХХ билан келишган ҳолда, агар йўлнинг ҳолати тезликни ошириш имкониятини берса, айрим жойларда ёки айрим йўл бўлақларида, айрим транспорт воситаларига белгиланган тезликни ошириш учун рўхсат бериш ваколати юқлатилди.

— **Кўгина давлатларда куннинг ёруғ вақтида ҳам транспорт воситалари яқини кўрсатувчи чироқларни ёқиб юришади. Бу, албатта, хавфсизлик нуқтаи назаридан йўлга қўйилган бўлса керак, шундайми?**

— Тўғри таъкидлангиз. Транспорт воситалари куннинг ёруғ вақтида ҳам чироқларини ёқиб юрса, кўпчиликнинг эътиборини тортади. Янги тахрирдаги қоидаларда ҳам шу нарса эътиборга олинди. Эндиликда ташкилий равишда одам олиб кетаётган, йўловчиларни ташвиётган автобуслар, микроавтобуслар, шунингдек, мотоцикл ва мопедлар хавфсизлигини таъминлаш чораларини кучайтириш учун куннинг ёруғ пайтида ҳаракатланаётганда ҳам яқини ёритувчи чироқларини ёқиб юриши шарт, деб белгиланди.

Бундан ташқари, қоидаларнинг транспорт воситалари бошқарувчилари ёшини белгиловчи 149-банди ҳайдовчиларни тайёрлаш тўғрисидаги Низом талабларига мос равишда янги тахрирда берилди. Демак, қоидаларга асосан «А» тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга ўқиб-танловнинг ёши ўқшини битириш вақтида 16 ёш, «В» ва «С» тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга ўқиб-танловнинг ёши ўқшини битириш вақтида 18 ёш, «Д» ва трамвай, троллейбусни бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга ўқиб-танловнинг ёши ўқшини битириш вақтида 21 ёшдан кам бўлмашлиги керак.

Шунингдек, юқорида таъкидланганимиздек, Йўлнинг 1-иловасидаги огоҳлантирувчи белгилар банди «Фото ва видеофиксация» (5.41) йўл белгиси билан тўлдирилди ҳамда 7.19 бандида ушбу белги ҳаракат иштирокчиларининг ҳолати техник воситалар орқали видео-фото тасвирга туширилиб қайд этилаётганини билдириши, бу белги огоҳлантирувчи, имтиёз, тақиқловчи, бюруручи ва ахборот-ишора белгилари билан қўлланиши кўрсатиб ўтилди.

Умуман олганда, янги қабул қилинган қоидалар, аввало, ҳаракат иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган. Унинг бандларини сўзсиз баҳарий эса келгусида йўлларимизда хавфсиз ҳаракатланишни таъминлаб, одамларнинг соғлиги ва ҳаётини муҳофаза қилади.

Меҳридин ШУКУРОВ
суҳбатлашди.

Тадбиркорлик

Балиқ — ноёб мавжудот. Дарё ва кўлларда сувоти гиёҳлари билан озикланиб, биологик хилма-хилликни вужудга келтирилади. Уларнинг синфи ва тузилиши ҳам турлича. Сезги ва ҳид билиш ёззолари тараққий этган. Таъми балиқни яхши ривожланган. Тангача ва майда суякларига қараб ёшини аниқлаш мумкин.



Балиқчилик — анъаналар давомийлигидир

Аскаржон кўпдан Галларол туман «Сарбозор» маҳалласидаги қаровсиз ва ташландиқ ётган жойни ободонлаштириб, теварак-атрофига дарахт ва гул кўчатлари ўтқизиш ҳамда балиқчиликни йўлга қўйишни орау қилиб келарди. Унинг тақлифи маҳаллий ҳокимият томонидан баҳонидил қўллаб-қувватланди. Етти хақининг бири — балиқчилик маҳаллий саноат ҳисобланиб, сердаромад соҳа эканлигини ким билмайди ахир!

Ишбилармон йигитнинг елиб-югуриши ва жонқурлиги туфайли каттагина суғий ҳовуз барпо этилиб, зогора, оқ амур, лаққа, лешч каби ўнлаб турдаги балиқлар парвариши қилиниши бошланди. Тоддан оқиб келётган зилло сув жониворларга ўз нематларини тақдим этди. Уларнинг қўялиши, насллар ривожланиши учун етарли ва қулай шароит яратилди.

Аскаржон учун балиқчилик тирикчиликка эмас, балки анъаналар давомийлигидир. Негаки, унинг ота-боболари ҳам шу касб билан шуғулланиб келган. Ҳозир балиқларнинг етарлича озикланиши учун ўттиз сотиқ майдон бедзорга айлантирилган. Арпа уни ва омуқта озуқа бирлиги гамамлаб қўйилган. Бунда фарзандларни Акмал, Камол ва Жамол тадбиркор отага яқиндан кўмаклашмоқда.

Балиқчиликнинг ҳадисини олган кичик жамоа хўжалиги аъзолари боғдорчиликни ҳам унуттирмади. 1,5 гектарда боғ яратиб, узум, нок, олма каби сархил мевалар етиштиришга муваффақ бўлишди. 3 минг тўт тирак, 50 тўт мажунтол ва арча кўчатлари кун сайин кўпка буй чўзмоқда.

Мана икки йилдирки, сархил мева ва полиз экинлари маҳсулотлари Бозор растанларига кўрқ бахш этаёттир. Мутақиллик, Янги йил, Наврўз ва ҳайит байрамлари арафасида туман аҳолиси арзон нарҳдаги балиқларни суғийиб-суғийиб сотиб оlishади.

Шу туманининг «Коровултепа» сув омборида балиқчилик билан фаолият юритиб келаятган Саримсоқ Йўлдошев ва Азиз Турсун ҳам эътибор қилиб яраб арзон нарҳда балиқ ва балиқ маҳсулотлари етказиб беришмоқда.

— Балиқ йил фаслларига қараб овланади, — дейди Аскаржон Анорбоев. — Чилвирли усул — замонавий усулдир. Бунда сувга тушган ҳолда ов қилинади. Пукалик қармоқни эса узюкка уюқтириш қулай. Сувнинг чуқурлигини ҳам аниқлаш мумкин. Балиқ қармоқсиз ип ёки қопсимон тўр ёрдамида ҳам овланади. Кўзгалмас тўрдан фойдаланиш бирмунча қулай, вақтни тежайд.

Балиқ ови Аскаржон учун куч бағишлайди. Айни пайтда «Ховузда қанчақ ҳашаротлар бор? Улар балиқларга зиян-заҳмат етказмаётими?» каби саволларга жавоб излайди. Балиқларнинг қанчаси овланиши ва қанчаси қўялтиришга қодирлигини ҳам тадбиркор учун ўта муҳим. Шу сабабли балиқларнинг маълум турларини ва йирликларининг овлайди. Тўрни силкитиб, майдонларини тушириб юборади.

Ҳа, табиатга қилинган биргина яхшилик ҳам қўлланб қайтади. Агар ёмонлик қилинса, аксинча, ... Шундай экан, инсон табиат билан қанчалик уйғунликда яшаса, тирик мавжудотларга меҳр-муруватли бўлса, уни қуршаб турган барака манбаи ҳам тинимсиз ортиб бораверади.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

лардан асраб қолганини нурунийлар эҳтиром билан эслашади.

Яхшилар номини эл-юрт ҳамиша эъзозлайди. Отаси туғилиб камолга етган кишлоқ фуқаролар йилғини бугун Шароф бобо Хамроев номи билан атаёттир.

Розия буви ҳам ҳар тоши тарих, ҳар сижим туپроғи улуғларга макон она юрти, маърифати, содда, самимий инсонлари камоли йўлида меҳнат қилди. Бухоро давлат педагогика институтининг филология факультетини тугатиб, туман марказидаги мактабда педагог сифатида иш бошлади. Меҳнатсеварлиги ва билимга чанқоқлиги билан бошқаларга ўрнак бўлди. Жамоатчилик эътиборига тушди. Сал фурсат ўтмай уни туманининг чекка кишлоғидаги мактабга илмий ишлар бўлими мудирлигига кўтаришди. Ишонч унга маддад бўлди. Мактабда таълим-тарбия ишлари ижобий томонга ўзгарди. Ёш педагог ғайрати ва сый-ҳаракати билан билим даргоҳида маърифатга йўрилган янги ҳаёт кириб келди. Кўп ўтмай Савак кишлоғида жойлашган мактабга директор бўлиб ўтди.

Айтиш мумкинки, раҳбарлик фаолияти унинг учун катта мактаб вазифасини ўтади. Муаммоларга ечим топишда ундабуронлик кўрсатди. Унинг номи биринчи аёл мактаб директори сифатида туман тарихи

музейида ҳамда «Шофиркон юлдузлари» китобида қайд этилган.

Ўтган асрнинг алғов-далғовли, фожиаларга тўла бир шароитида юрт қори учун бел боғлаш катта жасоратни талаб этарди. Энг муҳими, у ўзидан нурули эз қолдирди. Амалга оширган эзгу юмушларини шоғирдлари, юрт ривожига камарбаста фарзандлари босаётган одимларидан давом этаётганлигидан қувонади.

КАСАБА УЮШМА ФИДОЙИСИ

Розия Шаропова узок йиллар Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси туман кўмитасига бошчилик қилди. У кишлоқ хўжалиги ходимларининг унумли ишлаши учун барча шароитни яратди, фермерларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, соғломлаштириш, ислохотлар натижасида дала ишларидан бўшаган аёлларни бошқа соҳаларга жалб этиш, кишлоқ спортини ривожлантириш борасида кўпгина ибратли ишларни амалга оширди.

Ташкилотчилик қобилиятини ишга солиб, касабаси уюшма тизими корхона ва ташкилотларида меҳнаткашларга соғлом ва хавфсиз иш шароитини яратди, меҳнат муҳофазаси бўйича битимларнинг ба-

жарилишини таъминлаш, ишлаб чиқариш соҳасида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, айниқса, касабаси уюшма аъзоларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашдек эзгу ишларга салмоқли ҳисса қўшди.

Опанинг фидойилиги ҳақида Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси туман кенгаши раиси Еқуб Эргашев алоҳида эҳтиром билан сўзлайди:

— Розия опадек ўзига хос тажриба соҳиблари бизнинг фахримиз ва маслаҳатгўйимиздир. Муҳим масалаларни ҳал қилишда уларнинг маслаҳати хали-хануз асқотаёттир.

Янги йилда онахоннинг хонадонидан меҳмон арилади. Нафақат фарзандлар, шоғирдлар, балки маҳалладаги катта-кичик унинг дуосини олишга шошилди. Ҳожи онанинг сўзларидан шукроналик уфуриб турди.

Инсоннинг кўнгли озода бўлсин, — насихат қилди буви. — Билиб қўйингларки, дили пок, нияти яхши одамнинг иши доим бароридан келади. Кўнгли ободлиги, аввало, оила муҳитига соғломлик олиб киради, айна чогда турмушнинг обод бўлишини таъминлайди. Ободлик — фаровонлик, кут-барака, меҳр-оқибат, оила тўқислиги, юрт тинч-

лиги дегани. Шу боис, ёшларга тилагим: астойдил ўқишин, жаннатмонанд юртимизга муносиб фарзанд бўлишин.

Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидаги «...муътабар қариларимизга бўлган эътибор, бу йўналишдаги ишлар фақат шу йил билан чекланмайди, балки янги босқичда, янги шаклда изчил давом эттирилади», деган сўзлари Розия бувини беҳад қувонтирди. Айниқса, «...агар менга бюрос, кексаларнинг, ёши улуг инсонларнинг ҳурматини жойига қўйиш учун ҳар қайси келаятган йилга айна шундай ном беришни маъқул, деб билардим», деган фикрларини у даярли ҳар қуни давраларда фахр билан тилга олиб, Соғлом она ва бола йилида хайрли ишларни қўялтиришга барчани даъват этади.

Ҳожи онанинг хонадонидидаги файз-барака, саранжом-сарилталлик, меҳр-оқибатни кўриб, турмуш ободлиги айнан Розия бувидек онахонларнинг ҳаёт тарзию дуоларидан бошланажиги яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Саида КОДИРОВА,
касаба уюшма фахрийси,
Шофиркон тумани

Тадбир

Янги Маргилон шаҳар-часидаги 25-умумтаълим мактабида Шарқий ҳарбий округ кўмондонлиги хизматчиларининг фарзандлари учун «Эртақлар оламига марҳамат» деб номланган тадбир ўтказилди.

Эртақлар оламида

— Ватанпарварлик, ота-онага меҳрибонлик, ваъдага вафо каби тушунчалар ҳар бир ёшни қомилликка ундайди, — дейди 6-синф ўқувчиси Сардор Тўлкинов.

Тадбир сўнггида фаол ўқувчиларга мактаб маъмурияти томонидан эртақ китоблар совға қилинди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ, Маргилон шаҳри



Объект МИРСОАТОВ (ЎСА) олинган сурат

Касбим — фаҳрим

Олижаноб мақсад йўлида

Ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол, мустақил фикрга эга, қатъиятли ва иродали этиб тарбиялаш педагогларнинг муқаддас бурчидир.

Уғлим Дилмурод ички ишлар ходими кийинида саҳнага чиқиб, ўз орзусини айтганида, қалбим қувонч

Сайёра ТУРСУНҚУЛОВА, Гулистон шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби касабаси раиси

«Ishonch» баҳсга чорлайди



Тарбияда энаганинг ўрни

Шарқ оилаларида фарзанд камалига алоҳида эътибор берилган. Ота-она фарзандларининг қомил инсон бўлиб ўсishiга алоҳида масъулият билан қараган ва уларнинг тарбиясини ҳеч кимга ишонмаган.

Интернет хабарномаларида кўплаб хорижий мамлакатларда энагалик хизматлари ташкил этилгани ҳақида ўқидим. Хатто эналарга тайёролчи махсус мактаблар очилган бўлиб, бу ерда болалар психологияси, тарбияси, соғлиғи, турли вазиятларда ўзини қандай бошқариши, кичкинтойлар билан қандай тил топиши каби касб сирлари ўргатилади.

Энг ёмони, бунда она-бола ўртасидаги меҳр риштаси мўрталлашиб, ўртадаги оқибат йўқолади. Фарзанд тарбиясида энага хизматидан фойдаланаётган Нигора Турдибекова исмли замонавий ёш она билан бу ҳақда суҳбатлашдим.

Бола тарбияси билан боғлиқ бўлган ҳар бир нарса эртага жамиятга таъсир қилади. Агар тайинламоқчи бўлган одамимиз олий маълумотли, айниқса, педагогика университетини, психология факультетларини, бошланғич таълим йўналишларини тамомлаган, энг муҳими, педагогик-психологик савияга эга бўлса, бундай эналарнинг фойдали томонлари кўп.



Халқимизда ажойиб бир гап бор: ақл ёшда эмас, бошда. Шунинг учун имкон борича олий маълумотли, сабрли, бола билан ишлай оладиган, иложи бўлса, камиди 8 йиллик амалиётга эга, шу соҳа билан таниш, ўрта ёшлардаги эналарни танлаган маъқул.

Беш-олти болани тўплаб олиб, уларни фақат овқатлантириб, фойдали машғулотлар билан шуғуллантirmасдан, шунчаки қараб, овутиб, тинчлантириб ўтиришининг ўзи камлик қилади. Эҳтимолки, бу бола эртага буюк оқим, ижодкор, бастакор бўлиб етишиши, дунёни тебратувчи шахс бўлиши мумкинми? Лекин етарлича эътибор бўлмасачи?

Халқимизда ажойиб бир гап бор: ақл ёшда эмас, бошда. Шунинг учун имкон борича олий маълумотли, сабрли, бола билан ишлай оладиган, иложи бўлса, камиди 8 йиллик амалиётга эга, шу соҳа билан таниш, ўрта ёшлардаги эналарни танлаган маъқул.

Ҳозир айрим ўзбек оилаларида ҳам энага хизматидан фойдаланаётган сир эмас. Менимча, болани энагага топшириш бизнинг менталитетга ёт нарса, ўзбекчиликка тўғри келмайди. Энага бола тарбиясида барибир онадек меҳрибон, бувижонларидек сабр ва

Тўғри, энага ҳам болага кўзқулоқ бўлиб туриши, вақтида овқатлантириб, дарсини қилдириши, уст-бошидан хабардор бўлиши, тарбияси билан шуғулланиши, ҳатто эртақлар айтиши мумкин, аммо ўз онасидек меҳр-муҳаббат бера оладими? Масаланинг шу томониға эътиборни қаратиш керак. Қолаверса, энага тарбиялаган бола оиланинг ўзига хос аъёналарини эрта бир кун қандай сақлаб қолиши мумкин. Танганинг ички томони борлигини унутмайлик: энага қарамогиди болага ўз фарзанди сингаринин дилдан меҳр берармикан, ё бўлмаса, моддий манфаат важдан у билан вақт ўтказармикан?

Умид ИСМОИЛОВА, ЎЗДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Шундай энагалар борки, болани очик ҳавога олиб чиқади-да, ўз холига ташлаб, шахсий ишлари билан машғул бўлиб ўтиради. Бу, албатта, аянчли ҳолатдир.

Балоғат остонасида турган ёшларни турли фанлардан репетиторларга, тайёрлов курсларига берамизу, бироқ оилага ҳозирлашни унутиб қўяпмиз. Тўғри, оила марказлари бор, аммо оналар мактаби ёки оилага тайёрлаш курслари ҳали жуда кам. Қолаверса, энагалик билан шуғулланмоқчи бўлган одамлар олдин яна бир марта педагогик-психологик курсларга қатнаб, билим савиясини ошириб олсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Энг, фарзанд азиз, шу билан бирга, энг буюк неъмат. Жамиятнинг эртанги тақдирини эса унинг бугунги тарбияси билан чамбарчас боғлиқ.

Шоҳиста САМАРОВА, психология фанлари номзоди

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi. 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev. Tahrir hay'ati: Abdullaziz Abdullayev, To'laqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodiyev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev.

BO'LIMLAR: Kasaba uyushmalari hayoti - 256-87-63. Nuqqa va xalqaro hayot - 256-64-69. Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - 256-82-79. Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - 256-85-43. Reklama va e'lonlar - 256-87-73. Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

HUDDULARDAGI MUXBIRLAR: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-91) 268-92-32. Andijon - (+998-91) 475-23-60. Buxoro - (+998-93) 653-50-81. Jizzax - (+998-91) 943-67-44. Namangan - (+998-90) 260-50-77. Samarqand - (+998-97) 915-50-87. Sirdaryo - (+998-90) 610-95-55. Surxondaryo - (+998-95) 502-68-99. Farg'ona - (+998-91) 141-27-70. Xorazm - (+998-90) 719-48-00. Qashqadaryo - (+998-91) 467-30-01.

Navbatchi muharrir: A.Toshev. Navbatchi: A.Arslonov. Musahhirlar: S.Shodiyeva. Sahifalovchi: H.Abdullajilov. Boshiga topshirish vaqti - 20:00. Topshirishi - 20:30. 1 2 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi. Korxonasi manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G - 115. 20547 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133.